

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

**ҚУРБОНОВ НОЗИМ МУХАММАДРАШИТОВИЧ**

**НЕФТЬ, ГАЗ ВА СУВЛИ ҚАТЛАМЛАРДАГИ ФИЛЬТРАЦИЯ**  
**ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАРИ ВА САМАРАЛИ**  
**СОҢЛИ АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Соғли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/T59 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва "Ziyouet" Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Равшанов Нормакмад  
техника фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** Усманов Ришат Ниязбекович  
техника фанлари доктори, профессор  
Ҳабибуллаев Иброҳим Ҳабибуллаевич  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2017 йил «23» декабр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 2019 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2017 йил «16» декабр кuni тарқатилди.  
(2017 йил «14» декабр даги 11 рақамли реестр баённомаси)



*[Signature]*  
Р.Х.Ҳамдамов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

*[Signature]*  
З.Х.Юлдашев  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда илмий-инновацион ва замонавий ахборот технологиялари асосида нефть ва газ ишлаб чиқаришни автоматлаштириш етакчи ўринни эгалламоқда. «АҚШ Energy Information Administration агентлиги ва Россия Иқтисодий ривожлантириш вазирлиги маълумотларида келтирилишича, жаҳонда сўнгги йилларда нефть ва газни ишлаб чиқиш ва истеъмол қилишнинг нисбий баланси доимий равишда ўсиши натижасида, жумладан 2030 йилга бориб, нефть ва газни қазиб олиш ҳажми тахминан 17 %га, истеъмол ҳажми эса 18% га ошиши кузатилмоқда»<sup>1,2</sup>. Шу жиҳатдан нефть ва газни қазиб олишда қатламли тизимлардаги мураккаб ўзгарувчан фильтрация жараёнларининг математик ва компьютер моделларини яратиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда замонавий компьютер технологиялари ёрдамида янги нефть ва газ конларини излаб топиш, лойиҳалаштириш ва улардан унумли фойдаланиш ҳамда башоратлаш мақсадида ушбу жараёнларни ифодаловчи математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминотларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан конларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида қудуқларни оптимал жойлаштириш, дебит миқдорини тўғри танлаш ва қатламли тизимлардаги босим ва тўйинганлик майдонларининг ўзгаришини аниқлашга ёрдам берувчи компьютер моделларини ишлаб чиқиш, катта ўлчамли нефть ва газ фильтрацияси масалаларини ечиш учун параллел ва тақсимланган ҳисоблаш алгоритмларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён иссиқлик-энергетика комплексини ривожлантиришни жадаллаштириш ва энергия ресурслари истеъмолининг ошиб бораётган ҳажмини қоплаш учун соҳага илмий инновацион ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада янги нефть ва газ конларини ишга тушириш ва мавжуд конларнинг имкониятларидан тўла фойдаланиш ҳисобига қазиб олинаётган маҳсулот ҳажмини оширишда сезиларли натижаларга эришилди. Шу билан бирга 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиёт, бошқариш тизимига инфокоммуникацион-коммуникацион технологияларни жорий этиш, ... ёқилғи-энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш»<sup>3</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни бажаришда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва жараёни тадқиқ этишга қўмаклашувчи компьютер моделларини қўллаган

<sup>1</sup> [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_144190/32450cf2fc93511aa87c594aee8aad062df16509/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_144190/32450cf2fc93511aa87c594aee8aad062df16509/)

<sup>2</sup> [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_144190/e143bf00445ec45f2880476d151ceb9d9aa89ec5/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_144190/e143bf00445ec45f2880476d151ceb9d9aa89ec5/)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони

ҳолда конлардан самарали фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 24-сонли «Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлариغا мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда нефть, газ ва сувли қатламлардаги мураккаб ўзгарувчан филтрация жараёнларини ифодаловчи математик моделлар ва уларни сонли ҳисоблаш усулларини яратиш ҳамда такомиллаштириш бир қатор олимлар: С.Аtkinson, S.Banerjee, G.I.Barenblatt, T.W.Patzek, D.B.Silin, F.Boyer, C.Lapuerta, S.Minjeaud, А.Дарси, Л.С.Лейбензон, А.Х.Мирзаджанзаде, М.М.Хасанов, Б.Б.Лагук, И.А.Чарный, Х.Азиз, Э.Сеттари, С.Н.Закиров, К.С.Басниев, Д.Ж.Ахмед-Заки, А.В.Ахметзянов, А.В.Цепаев, Б.В.Шалимов ва бошқалар ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда В.Қ.Қобулов, Ф.Б.Абуталиев, Ж.Ф.Файзуллаев, Н.М.Муҳидинов, Р.Садуллаев, И.Алимов, Б.Х.Хўжаёров, У.С.Назаров, Н.Равшанов, Ш.Каюмов, В.Ф.Бурнашев ва бошқалар ғовак муҳитдаги суюқлик ва газ филтрацияси жараёнларини тадқиқ қилиш, башоратлаш ва бошқариш учун математик моделлар ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшганлар.

Ҳозирги кунда нефть, газ ва сувли қатламлардаги филтрация жараёнларининг турли хил масалалари учун кўплаб математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий мажмуалар яратилган. Шунга қарамай, қатламли тизимдаги мураккаб филтрация жараёнларини тадқиқ қилиш ва башоратлаш имконини берувчи компьютер моделларини яратиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф1-Ф010+Ф016 «Мураккаб тизим ва жараёнларни моделлаштириш ва бошқаришнинг фундаментал

муаммолари» (2007-2011), А5-ФА-Ф021 «Газодинамика ва филтрация жараёнларида масса кўчиши масалалари синфини ечишни автоматлаштириш учун объектга йўналтирилган дастурий воситаларни ишлаб чиқиш» (2012-2015), Ф4-ФА-Ф005 «Мураккаб чегарали соҳалар учун математик физиканинг кўп ўлчовли ночизиқ синф масалаларининг моделларини такомиллаштириш ҳамда ечишнинг алгоритмик усулини яратиш ва тадқиқ қилиш» (2012-2016) ва А-5-009 «Филтрация масалалари ва ер ости қориштириш жараёнида эритма харакатлари учун математик моделлар, алгоритмлар ҳамда дастурий воситалар ишлаб чиқариш» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** нефть, газ ва сувли қатламлардаги филтрация жараёнларининг математик моделлари, сонли алгоритмлари ва дастурий воситаларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазибалари:**

ғовак муҳитдаги газ филтрацияси масаласини ечишнинг математик модели ва чекли айирмалар усулига асосланган ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

поршенли сиқиб чиқаришда филтрация жараёнининг математик модели ва фаза соҳаларини тўғрилаш усулига асосланган ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

суяклик ва газнинг биргаликдаги филтрацияси жараёнининг математик модели ва чекли айирмалар ва ўзгарувчан йўналиш усулига асосланган ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

газ филтрацияси масаласини физик хусусиятларига мос қисмларга ажратиш усули билан ечишнинг самарали сонли алгоритминини ишлаб чиқиш;

ихтиёрий филтрация соҳасида ғовак муҳитдаги газ филтрацияси масаласини ечиш учун параллел ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

ғовак муҳитдаги газ филтрацияси жараёни, поршенли сиқиб чиқаришда филтрация жараёни ҳамда суяклик ва газнинг биргаликдаги филтрацияси жараёнлари учун дастурий воситалар яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида нефть, газ ва сувли қатламлардаги филтрация жараёнлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бир ва кўп компоненти муҳит филтрацияси жараёнларининг математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситаларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, ечимларни солиштириш усуллари, ўзгарувчан йўналишли ва физик хусусиятларига мос қисмларга ажратиш усуллари, сонли итерация усуллари ва параллел ҳисоблаш алгоритмларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ғовак муҳитдаги газ филтрацияси жараёнининг математик модели турли чегаравий шартларни ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилган ва мос масалани ечишнинг чекли айирмалар усулига асосланган ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

поршенли сиқиб чиқаришда фильтрация жараёнининг математик модели суюқ фаза соҳасидан нефть олиш омилини ҳисобга олиш орқали такомиллаштирилган ва модель масалани ечиш учун чегарани тўғрилаш усулига асосланган ҳисоблаш алгоритми яратилган;

суyoқлик ва газнинг биргаликдаги фильтрацияси жараёнининг математик модели ўзаро киришувчи фазалар модели асосида такомиллаштирилган ва масалани ечишнинг ўзгарувчан йўналиш усулига асосланган ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

газ фильтрацияси масаласини физик хусусиятларига мос қисмларга ажратиш усули билан ечишнинг самарали сонли алгоритми ишлаб чиқилган; ихтиёрий фильтрация соҳасида ғовак муҳитдаги газ фильтрацияси масаласини ечиш учун параллел ҳисоблаш алгоритми яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:**

нефть, газ ва сувли қатламлардаги фильтрация жараёнларининг математик моделлари ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган ҳамда уларнинг ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

саноат аҳамиятига эга бўлган нефть ва газ конлари худудида жойлашган қудуқларнинг унумдорлигини ошириш учун қудуқ дебитларини таҳлил қилиш ва бошқаришга мўлжалланган дастурий восита яратилган;

углеводород конларини лойиҳалаш ва ишлаш жараёнлари учун тизим ишлашининг турли хил шартларида уч компонентали муҳитнинг биргаликдаги ҳаракати ҳисобга олинганида объектнинг динамик ҳолатини таҳлил қилиш ва бошқаришга мўлжалланган ҳисоблаш дастури яратилган;

“Ғовак қатламдаги кўп компонентали муҳит фильтрацияси” дастурий воситаси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масса ва импульс сақланиш қонунлари, газогидродинамика қонунлари, ҳисоблаш математикасининг синовдан ўтган усулларининг қўлланилиши ва олинган натижаларнинг сифат ва миқдорий баҳоланганлиги билан асосланади, қаралаётган жараёнлар учун яратилган математик таъминотнинг адекватлиги модда миқдори баланси тенгламаси ёрдамида текширилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар нефть, газ ва сувли қатламлардаги фильтрация жараёнларини тадқиқ қилиш ва башоратлаш учун илмий ва амалий тажрибаларни ўтказиш технологиясини такомиллаштириш имкониятини беради. Ишлаб чиқилган моделлар ва ҳисоблаш алгоритмлари нефть ва газ конларини лойиҳалаштириш, дебитни тўғри танлаш ва қудуқларни оптимал жойлаштириш ҳамда башоратлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти соҳа мутахассислари томонидан бериладиган объектнинг асосий параметрлари ва уларнинг ўзгариш диапазонларини ғовак муҳитдаги фильтрация жараёнларига таъсирини ўрганиш, нефть ва газ конларидаги босим ҳамда жинсларнинг нефть, газ ва сувга тўйинганлиги коэффициентларини вақт бўйича

таксимланишини аниқлаш, қудуқ дебитларини таҳлил қилиш ва бошқариш, янги қудуқларни оптимал жойлаштириш, башоратлаш ва яратилган компьютер моделлари ёрдамида жараёнга янги ахборот технологияларини қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нефть, газ ва сувли қатламлардаги фильтрация жараёнларини тадқиқ қилиш учун яратилган математик моделлар, алгоритмлар ва дастурий мажмуалар асосида олинган натижалар асосида:

газ фильтрацияси, поршенли сиқиб чиқаришдаги фильтрация ҳамда суюқлик ва газнинг биргаликдаги фильтрацияси жараёнларининг такомиллаштирилган математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминотлари «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» АЖ тасарруфига кирувчи Крук ва Шимолий Ўртабук конларига ва Ўзбекистон Республикаси Нефть ва газ саноати Ўзбекистон илмий-муҳандислар жамияти объектларига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 14 ноябрдаги 33-8/7725-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси босим ва тўйинганлик майдонларининг ўзгаришини аниқлаш сифатини 7%га, қудуқлар дебитларининг ўрта ва узок муддатли башоратлаш сифатини эса 6%га ошириш имконини берган;

поршенли сиқиб чиқаришдаги фильтрация жараёни ва суюқликларнинг биргаликдаги фильтрацияси жараёнларининг такомиллаштирилган математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминотлари «Дарғом» ирригация тизими бошқармаси объектларига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 14 ноябрдаги 33-8/7725-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси босим майдонининг ўзгаришини аниқлаш сифатини 15%га, қудуқлар дебитларининг ўрта ва узок муддатли башоратлаш сифатини 10%га ошириш имконини берган;

углеводородли конларни лойиҳалаш ва уларни ишлаш жараёнларини тадқиқ қилиш учун яратилган математик ва дастурий таъминотлар Навоий вилоятидаги 18-сонли Дала қидирув экспедицияси объектларига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 14 ноябрдаги 33-8/7725-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаси қатламли тизимлардаги кўп компонентли аралашмалар фильтрацияси соҳаларида қудуқларни оптимал жойлаштириш ва уларнинг дебитларини тўғри танлаш орқали конларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

газ фильтрацияси тенгламасини физик хусусиятларига мос қисмларга ажратиш усули билан ечишнинг самарали сонли алгоритми ва ихтиёрий фильтрация соҳасида ғовак муҳитдаги газ фильтрацияси масаласини ечиш учун параллел ҳисоблаш алгоритми Ф4-ФА-Ф005 - «Мураккаб чегарали соҳалар учун математик физиканинг кўп ўлчовли ночизиқ синф масалаларининг моделларини такомиллаштириш ҳамда ечишнинг алгоритмик усулини яратиш ва тадқиқ қилиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳасига жорий қилинган (Фан ва технологиялари агентлигининг 2017 йил

24 октябрдаги ФТА-02-11/942-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси ғовак муҳитдаги газ филтрацияси жараёнини ҳисоблашдаги такрорланишлар сонини камайтириш ҳисобига вақтни 25%гача қисқартириш ва параллел ҳисоблаш алгоритми қўлланилганида эса ҳисоблаш жараёнини 20 марта тезлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 16 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 45 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, 6 таси хорижий ва 5 таси республика журналларда нашр қилинган ҳамда 3 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ғовак муҳитдаги суюқлик ва газ филтрацияси жараёнини тадқиқ қилиш мақсади ва вазифалари” деб номланган биринчи бобида нефть, газ ва сувли қатламлардаги филтрация жараёнларининг компьютер моделларини яратиш муаммолари таҳлили келтирилган.

Биринчи параграфда сўнгги йилларда ғовак муҳитдаги кўп фазали филтрация жараёнлари, нефтни сиқиб чиқаришдаги филтрация жараёни ва газ филтрация жараёни масалаларининг математик моделлари ҳамда уларни ҳисоблаш алгоритмларини яратиш муаммолари билан шуғулланиб келаётган олимлар мақолаларининг тизимли таҳлили келтирилган.

Иккинчи параграфда ғовак муҳитдаги филтрация жараёнларини тадқиқ қилишга математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибалари методологиясини қўллашнинг замонавий тенденциялари қаралган.

Математик модель ва ҳисоблаш тажрибалари асосида ахборотларни қайта ишлаш тизимини куриш методологиясининг фундаментал принциплари интеллектуал асоси «математик модель – ҳисоблаш алгоритми



– дастурий восита» триадасига таянувчи анъанавий илмий усуллар ва янги ахборот технологиялари ютуқларининг бирлашмаси ҳисобланади.

Тадқиқ қилинаётган объект ёки жараёни етарлича адекват ифодаловчи математик моделига алмаштириш ва ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш уларга таъсир этувчи ички ва ташқи параметрларнинг муҳимлигини ҳамда гидродинамик ва техник тизимлардаги яширин янги қонуниятларни аниқлаш имконини беради.

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, объект ёки жараён математик моделининг адекватлик даражаси объект ёки жараёнга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар натижасида келиб чиқувчи чизиксиз эффектларни ҳисобга олиш эвазига ошиши мумкин.

Тадқиқот объекти математик моделининг адекватлик даражасини текширишнинг энг мақбул усулларидан бири – бу ЭХМда ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш ҳисобланади.

Масалаларнинг ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқишда барча мавжуд усулларни жалб этиш зарур: аниқ ва аналитик ечим, ечимнинг асимптотик баҳолари, ўлчамлар таҳлили ва тажриба маълумотлари. Масалаларни ечишнинг сонли алгоритмлари тежамкор, универсал ва турғун бўлиши зарур.

Учинчи параграфда нефть, газ ва нефть-газли конларнинг ишлашини таҳлил қилиш ва башоратлаш информацион моделларини яратишнинг асосий принциплари ёритилган.

Диссертациянинг “Ғовак муҳитдаги кўп компонентли фильтрация жараёнларини математик моделлаштириш” деб номланган иккинчи бобда ғовак муҳитдаги газ фильтрацияси жараёнининг, фазалараро ўтишлардаги фильтрация жараёнларининг ҳамда суюқлик ва газнинг биргаликдаги фильтрацияси жараёнларининг математик моделлари келтирилган.

Биринчи параграфда ғовак муҳитдаги газ фильтрацияси жараёнининг математик модели яратилган. Асосий тенглама куйидаги кўринишга эга:

$$\frac{\partial}{\partial x} \left( \frac{K}{\mu} b \rho \frac{\partial P}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( \frac{K}{\mu} b \rho \frac{\partial P}{\partial y} \right) = \frac{\partial}{\partial t} (m \rho) \bar{b} - Q \frac{\rho P_a}{P \Delta x \Delta y} \delta(x, y). \quad (1)$$

Бу ерда  $Q$  – кудуқлардаги ҳажм сарфи;  $Q\rho$  – масса сарфи;  $P$  – босим;  $P_a$  – атмосфера босими;  $\rho$  – зичлик;  $b$  – қатлам қуввати;  $\bar{b}$  – тўр квадратдаги қатламнинг ўртача қуввати;  $K, \mu$  – мос равишда ўтказувчанлик ва газнинг ёпишқоқлиги коэффициентлари;  $\Delta x, \Delta y$  –  $x$  ва  $y$  координаталари бўйича мос қадамлар;  $m$  – қатламнинг ғоваклиги;

$$\delta(x, y) = \begin{cases} 1, & \text{агар } (x, y) \in \gamma, \\ 0, & \text{агар } (x, y) \notin \gamma, \end{cases}$$

бу ерда  $\gamma$  –  $G$  соҳасидаги кудуқлар жойлашган бўлиши мумкин бўлган нуқталар тўплами.

(1) тенгламага бошланғич, чегаравий ва ички шартларни қўшамиз:

$$P(x, y, t)|_{t=0} = P_0, \quad (x, y) \in G; \quad (2)$$

$$\left. \frac{\partial P}{\partial n} \right|_{\Gamma} = 0; \oint \frac{K}{\mu} b \frac{\partial P}{\partial n} ds = C_1 Q_1. \quad (3)$$

Бу ерда  $Q_1 = Q$ ,  $C_1$  – ўлчовсиз кўринишга келтириш учун фойдаланилган ўзгармас катталиклар;  $\Gamma$  –  $G$  соҳанинг чегараси.

Иккинчи параграфда газогидродинамика қонунларини кўйлаб, қатламдаги суюқликнинг кўтарилиши ва газ ҳажмининг қатламга таъсир этиши жараёнининг математик модели қуйидагича шакллантирилган:

$$0 < x < l(t) \text{ да } \frac{\partial}{\partial x} \left( P_m \frac{K}{\mu_r} \frac{\partial P_m}{\partial x} \right) = m \frac{\partial P_m}{\partial t}, \quad (4)$$

$$l(t) < x < L \text{ да } \frac{\partial}{\partial x} \left( \frac{K}{\mu_n} \frac{\partial P_{нефть}}{\partial x} \right) = m \frac{\partial P_{нефть}}{\partial t} + F,$$

бу ерда  $F = A_2 q_x \delta(x - \zeta)$ .

Ушбу тенгламалар қуйидаги чегаравий ва ички шартларда интегралланади:

$$\left. \frac{\partial P}{\partial x} \right|_{x=0} = -A_1 q_r; \quad x = L, \quad t > 0 \text{ да } P(x, t) = f(x, t). \quad (5)$$

Қисмларнинг қўзғаладиган чегарасида қуйидаги шартлар бериледи

$$S_n \frac{dl}{dt} = -K \left. \frac{\partial P}{\partial x} \right|_{x=l(t)=0}; \quad \left. \frac{K}{\mu_r} \frac{\partial P}{\partial x} \right|_{x=l(t)=0} = \left. \frac{K}{\mu_n} \frac{\partial P}{\partial x} \right|_{x=l(t)=0}; \quad P_m \Big|_{x=l(t)=0} = P_{нефть} \Big|_{x=l(t)=0}. \quad (6)$$

Жараённинг бошланишида фазаларнинг босими ва тўйинганликларининг тақсимланиши ҳамда фазалар чегарасининг жойлашиши маълум:

$$P(x, 0) = P_n^0, \quad l(0) = l^0, \quad 0 < x < L. \quad (7)$$

Қуйилган масалани ечиш учун аввало ўлчовсиз катталикларга ўтказамиз. (4)-(7) формулаларда қуйидаги белгилашлар қабул қилинган:  $S_n$  – жинсларнинг нефтга тўйинганлиги;  $\mu_r, \mu_n$  – газ ва нефтнинг қовушқоклиги;  $P(x, 0) = P_n$  – босимнинг бошланғич тақсимланиши;  $\rho_r, \rho_n$  – газ ва нефтьнинг зичлиги;  $T$  – абсолют ҳарорат;  $P_{нефть}, P_{газ}$  – нефть ва газнинг босими;  $\zeta$  – ички махсус нукта (қуювчи ёки олувчи кудуқ координаталари)  $l(t)$  – бўлим чегараси;  $L$  – қатлам узунлиги;  $q_r, q_x$  – кудуқларнинг ишлаш жадаллиги;  $A_1, A_2$  – баъзи бир доимий катталиклар.

Учинчи параграфда ғовак муҳитдаги суюқлик фазасининг турли хил комбинациясига боғлиқ равишда кўп фазали суюқликларнинг биргаликдаги фильтрация жараёнларининг турли хил қўйилишлари келтирилган.

1. Ғовак муҳитдаги нефть ва газнинг биргаликдаги ҳаракатида фильтрация жараёнини ўлчовсиз координаталар тизимида қуйидаги дифференциал тенгламалар тизими

$$\begin{cases} \frac{\partial}{\partial x} \left( K \frac{\partial P^2}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( K \frac{\partial P^2}{\partial y} \right) = \frac{1}{2P} \frac{\partial}{\partial t} (P^2 S_r) + \left( B \frac{\partial S_n}{\partial t} \right), \\ \frac{\partial}{\partial x} \left( K_n \frac{\partial P}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( K_n \frac{\partial P}{\partial y} \right) = B \frac{\partial S_n}{\partial t}, S_n + S_r = 1 \end{cases} \quad (8)$$

бошланғич шартлар

$$P(x, y, 0) = P^0(x, y), S_n(x, y, 0) = S_n^0(x, y), S_r(x, y, 0) = S_r^0(x, y), \quad (9)$$

ҳамда ички ва чегаравий шартлар

$$A_1 \frac{\partial P}{\partial n} + A_2 (P - P_p) = 0, (x, y) \in \Gamma, 2\pi b_i R_{q_j} \oint K_1 \frac{\partial P}{\partial n} d\sigma = q_j, j = \overline{1, M_q} \quad (10)$$

билан ифодалананди.

Бу ерда  $K_1 = \frac{\rho_n K_n}{\mu_n} + \frac{K_r P}{RTZ \mu_r}$ ;  $\sigma$  – кудуқ контури;  $P_p$  – қатлам чегарасидаги босим;  $P^0(x, y)$ ,  $S_n^0(x, y)$ ,  $S_r^0(x, y)$  – босим, нефть ва газга тўйинганликнинг бошланғич тақсимланиши;  $M_q$  – кудуқлар сони;  $q_j$  – кудуқнинг ишлаш жадаллиги;  $b_i$  –  $i$ -нуктадаги қатлам куввати;  $R_{q_j}$  – кудуқ радиуси;  $B = \frac{\rho_n RTZ}{P_n}$ .

2. Ғовак муҳитдаги нефть, газ ва сувнинг ўлчовсиз координаталар тизимидаги чизиксиз дифференциал тенгламалар тизими кўринишида ифодаланган биргаликдаги фильтрация жараёни қаралган

$$\begin{cases} \frac{\partial}{\partial x} \left( K_r \frac{\partial P^2}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( K_r \frac{\partial P^2}{\partial y} \right) = \frac{1}{2P} \frac{\partial}{\partial t} (P^2 S_r) + B \frac{\partial}{\partial t} (S_n + B_{вн} S_b), \\ \frac{\partial}{\partial x} \left( K_n \frac{\partial P}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( K_n \frac{\partial P}{\partial y} \right) = B \frac{\partial S_n}{\partial t}, \\ \frac{\partial}{\partial x} \left( K_b \frac{\partial P}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( K_b \frac{\partial P}{\partial y} \right) = \frac{\mu_b}{\mu_r} B \frac{\partial S_b}{\partial t}, \\ S_n + S_b + S_r = 1, \end{cases} \quad (11)$$

бу ерда  $B_{вн} = \frac{\rho_b}{\rho_n}$ .

Берилган дифференциал тенгламалар тизими куйидаги бошланғич

$$\begin{aligned} P(x, y, 0) &= P^0(x, y), S_n(x, y, 0) = S_n^0(x, y), \\ S_b(x, y, 0) &= S_b^0(x, y), S_r(x, y, 0) = S_r^0(x, y), (x, y) \in G; \end{aligned} \quad (12)$$

чегаравий ва ички шартлар

$$A_1 \frac{\partial P}{\partial n} + A_2 (P - P_p) = 0, (x, y) \in \Gamma, 2\pi b_i R_{q_j} \oint K_1 \frac{\partial P}{\partial n} d\sigma = q_j, j = \overline{1, M_q} \quad (13)$$

билан ечилади.

Диссертациянинг “Ғовак муҳитдаги нефть ва газ фильтрацияси жараёнларининг сонли алгоритмлари” деб номланган учинчи бобида иккинчи бобда келтирилган масалаларнинг сонли ҳисоблаш алгоритмлари ҳамда ихтиёрий фильтрация соҳасида ғовак муҳитдаги газ фильтрацияси масаласини ечишнинг самарали сонли алгоритмлари келтирилган.

Биринчи параграфда (1)-(3) масалани интеграллаш учун  $x$  ва  $y$  бўйича тенг ўлчамли тўр киритамиз ҳамда дифференциал операторларни  $O_x$  ва  $O_y$  бўйича ўзгарувчан йўналиш усулини қўллаб, чекли-айирмали тенгламага алмаштирамиз ва алгебраик тенгламалар тизимига эга бўламиз:

$$\begin{aligned} a_i P_{i-1,j}^{2(k+0,5)} - b_i P_{i,j}^{2(k+0,5)} + c_i P_{i-1,j}^{2(k+0,5)} &= -d_i, \\ \bar{a}_j P_{i,j+1}^{2(k+1)} - \bar{b}_j P_{i,j}^{2(k+1)} + \bar{c}_j P_{i,j-1}^{2(k+1)} &= -\bar{d}_j. \end{aligned} \quad (14)$$

(14) тенгламалар тизимини  $O_x$  ва  $O_y$  бўйича ҳайдаш усули билан ечамиз. Уни ечиш учун итерация усулидан фойдаланиш мумкин.

Иккинчи параграфда (4)-(7) масаланинг сонли ечими келтирилган. Бунинг учун фаза соҳаларини тўғрилаш усулини қўллаймиз. Янги эркли ўзгарувчиларни киритамиз:

$$\xi = \frac{x}{l(t)} \text{ ва } \zeta = 1 + \frac{x-l(t)}{1-l(t)}. \quad (15)$$

$\xi \in [0;1]$  ва  $\zeta \in [0;1]$  ўзгарувчиси бўйича ҳосила олиб, (4)-(7) тенгламаларни қуйидаги кўринишга келтириш мумкин:

$$\begin{cases} \frac{\partial^2 P^2}{\partial \xi^2} = \frac{\lambda l(t)}{P} \left[ l(t) \frac{\partial P^2}{\partial t} - l'(t) \xi \frac{\partial P^2}{\partial \xi} \right], \\ \frac{\partial}{\partial \zeta} \left( K_n \frac{\partial P}{\partial \zeta} \right) = B(1-l(t))^2 \left[ \frac{\partial (S_n)}{\partial t} - l'(t) \frac{2-\zeta}{1-l(t)} \frac{\partial S_n}{\partial \zeta} \right], \\ S_r + S_n = 1; \end{cases} \quad (16)$$

$$\left. \frac{\partial P^2}{\partial \xi} \right|_{\xi=0} = -A_n q_r, \quad (17)$$

$$\frac{dl}{dt} = - \frac{\partial P}{l(t) \partial \xi} \Big|_{\xi=1-0}, \quad D \frac{\partial P}{l(t) \partial \xi} \Big|_{\xi=1-0} = \frac{1}{1-l(t)} \left[ K \left( \frac{\rho_n K_n}{\mu_n} \right) \right] \frac{\partial P}{\partial \zeta} \Big|_{\zeta=0+0};$$

$$\text{бу ерда } \lambda = \frac{K \rho_n R Z T \mu_r}{K_r P_n \mu_n P}, \quad B = \frac{\rho_n R Z T}{P_n}, \quad C = \frac{\rho_n}{\rho_n}, \quad A_n = A_1 \frac{l(t) L}{P_n}, \quad D = \frac{K_r P_n}{2 \rho_r R Z T}.$$

(16)-(17) масалани ечишнинг дискрет алгоритми фаза ва вақтга боғлиқ тўрнинг ҳар бир нуқтасида сақланиш қонунини қаноатлантирадиган консерватив чекли схемани қуришга имкон берувчи интегро-интерполяция усулини қўллашга асосланган.

(16) тизимнинг биринчи тенгламаси учун интегро-интерполяция усулини ва интегралнинг ўнг қисми учун ўрта қиймат ҳақидаги теоремани қўллаймиз. (16) тизимнинг биринчи тенгламаси учун олинган натижалар ҳисобига қуйидагига эга бўламиз

$$a_i P_{i-1}^2 - b_i P_i^2 + c_i P_{i+1}^2 = -d_i, \quad i = \overline{2, N}$$

$$\text{бу ерда } a_i = 1 - \frac{\xi l h \lambda (l_k - \bar{l}_k)}{2 P_i^0 \Delta t}, \quad b_i = 2 + \frac{h^2 l^2 \lambda}{\Delta t P_i^0}, \quad c_i = 1 + \frac{\xi l h \lambda (l_k - \bar{l}_k)}{2 P_i^0 \Delta t}, \quad d_i = \frac{h^2 l^2}{\Delta t P_i^0} \lambda \bar{P}_i^2.$$

(16) тизимнинг иккинчи ва учинчи тенгламалари юқоридагига ўхшаш ечилади.

Ҳайдаш коэффициентлари ва бўлим чегарасини тегишли формулалар ёрдамида аниқлаймиз. Ҳосил бўлган чизиқсиз тенгламалар тизимини ҳайдаш усули билан вақтнинг ҳар бир қадамида оддий итерация усулини қўллаб ечилган.

Учинчи параграфда (8)-(13) математик моделнинг чегаравий шартларини чекли айирмаларда аппроксимация қилиш учун фазо ва вақтга боғлиқ тўр киритамиз. Ўзгарувчан йўналиш усулини қўллаб фильтрация узлуксиз соҳаси ички тугунлари учун чекли айирмалардаги тенгламалар тизимини олиш мумкин:

$$\left. \begin{aligned} a_i P_{i-1,j}^{m+0,5} - b_i P_{i,j}^{m+0,5} + c_i P_{i+1,j}^{m+0,5} &= -d_i, \quad i = \overline{1, N}, \\ \bar{a}_j P_{i,j-1}^{m+1} - \bar{b}_j P_{i,j}^{m+1} + \bar{c}_j P_{i,j+1}^{m+1} &= -\bar{d}_j, \quad j = \overline{1, M}. \end{aligned} \right\} \quad (18)$$

(18) тизим тенгламалари итерация усулини қўллаб вақтнинг ҳар ярим қадамида ҳайдаш усули билан ечилади.

Босимнинг  $s+1$  - яқинлашувини қўллаб, (8) тизимнинг иккинчи тенгламасини аппроксимациялаймиз ҳамда нефтга ва газга тўйинганлик майдонларини аниқлаймиз.

Юқорида келтирилган ҳаракатлар ўхшаш ҳолда уч фазали ҳолат – (11) тенгламалар тизими учун ҳам бажарилади.

Тўртинчи параграфда (1) тенгламани (2) ва (3) шартлар билан ечишда жараённинг физикавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги икки масалага ажратамиз. Биринчи масала қуйидагича бўлади:

$$\left. \begin{aligned} \frac{\partial^2 P_1^2}{\partial x^2} &= \frac{1}{2P_1} \frac{\partial P_1^2}{\partial t} - \frac{1}{2} \delta(x, y) Q \frac{1}{\Delta x \Delta y}, \\ P_1(x, y, t_k) &= P_2(x, y, t_k), \\ \left. \frac{\partial P_1}{\partial n} \right|_{\Gamma} &= 0, \quad \oint \frac{K}{\mu} b \frac{\partial P_1}{\partial n} ds = C_1 Q_v. \end{aligned} \right\} \quad (19)$$

Бу ерда  $P_1(x, y, t_k)$  вақт бўйича ҳисобнинг бошланишида  $P_v(x, y, t)$  га тенг бўлади. Вақт бўйича кейинги қадамларда  $P_2(x, y, t_k)$  (20) масаланинг ечими орқали аниқланади. Ушбу масалани ечиш орқали  $P_1^{k+1} = P_1(x, y, t_{k+1})$  ни топамиз.

Айни шу вақт оралиғида иккинчи масалани ечимиз:

$$\left. \begin{aligned} \frac{\partial^2 P_2^2}{\partial y^2} &= \frac{1}{2P_2} \frac{\partial P_2^2}{\partial t} - \frac{1}{2} \delta(x, y) Q \frac{1}{\Delta x \Delta y}, \\ P_2(x, y, t_k) &= P_1(x, y, t_{k+1}), \\ \left. \frac{\partial P_2}{\partial n} \right|_{\Gamma} &= 0, \quad \oint \frac{K}{\mu} b \frac{\partial P_2}{\partial n} ds = C_1 Q_v. \end{aligned} \right\} \quad (20)$$

Олинган ечим  $P_2^{k+1} = P_2(x, y, t_{k+1})$  (1)-(3) масаланинг ечими бўлади.

Юқорида таснифланган ҳисоблаш алгоритми асосида дастурий мажмуа ишлаб чиқилди ва ЭҲМда объект параметрларининг турли хил қийматларида ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди. Натижада газ фильтрацияси жараёнини ҳисоблашда такрорланишлар сонини камайиши сабабли ҳисоблаш вақти 25% га қисқарди.


Бешинчи параграф ғовак муҳитдаги газ филтрацияси масаласини ечиш учун параллел ҳисоблаш алгоритмини яратишга бағишланган.

(1)-(3) масала айрим алмаштиришлардан сўнг  $Ax = \bar{b}$  алгебраик тенгламалар тизимига келади, бу ерда  $A$  – уч диагоналли матрица,  $\bar{b}$  – вектор.


Бошланғич матрица циклик горизонтал усули билан  $P$  жараёнлари бўйича тақсимланади.  $pid$  рақами остидаги процессорда  $pid$ ,  $pid + P$ ,  $pid + 2P$ , ...,  $pid + nP$  рақамли қаторлар жойлашади. Бундай схеманинг қўлланилиши ҳисоблашларни амалга оширишда процессорга тушадиган юкланишлар мувозанатини сақлаш муаммосини ҳал этади. Бу билан ҳар бир процессорга тахминан бир хил ҳисоблаш ҳажми тўғри келади ва процессорларни бекор туриб қолишининг олди олинади. Алгоритмнинг самарадорлиги бошланғич матрица ўлчами  $400 \times 400$  дан юқори бўлганида сезилади, яъни бевосита ҳисоблашга сарфланган вақтга солиштирганда маълумотларни жўнатишга кетган вақт ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди.

Диссертациянинг “Ғовак муҳитдаги нефть ва газ филтрацияси масалаларини ечиш учун дастурий таъминот ва ҳисоблаш тажрибалари” деб номланган тўртинчи бобида ғовак муҳитдаги газ филтрацияси жараёни учун, углеводородли конларни лойиҳалаш ва қайта ишлаш жараёнлари учун ва ғовак муҳитдаги нефть ва газнинг биргаликдаги филтрацияси жараёни учун яратилган дастурий таъминотларининг тавсифи келтирилган. ЭХМда ушбу дастурий воситалар ёрдамида объект параметрлари ва шартларининг турли хил қийматларида серияли ҳисоб тажрибалари ўтказилди. Ўтказилган сонли тажрибаларнинг натижалари икки ва уч ўлчовли объектлар кўринишида визуализация қилинди (1 ва 2-расм).

Ҳисоб тажрибаларининг таҳлили ғовак муҳитларда газ филтрацияси жараёнига таъсир этувчи асосий омиллар – ўтказувчанлик, қовушқоқлик ва ғоваклилик коэффицентлари, қудуқларнинг дебитлари ва қатлам қуввати эканлигини кўрсатди. Ўтказувчанлик коэффицентининг ўсиши билан қудуқнинг жараёнга силжишига таъсир этиш соҳаси вақт бўйича сезиларли даражада ўсади.




а)



б)

а - 365 суткада; б - 3650 суткада

1-расм. Филтрация соҳасида газ босимининг вақт бўйича ўзгариши



а -  $\tau = 132$  суткада; б -  $\tau = 332$  суткада; в -  $\tau = 532$  суткада; г -  $\tau = 732$  суткада.

## 2-расм. Қатламда газ босимининг вақт бўйича қайта тақсимланишининг уч ўлчовли визуализацияси (квадрат соҳа)

Нефть ва газнинг турли хил қовушқоқлик коэффициентлари ҳамда газни ҳайдашда қаралаётган шартларда қатламдаги газни ҳайдаш суръатининг ўзгариши таъминот контурига яқин жойлашган бир қатор қудуқларда босимнинг тушиш жараёнига таъсир этмаслиги аниқланди.

Нефть қовушқоқлиги қиймати катта бўлганда галереяда босимнинг тушиш тезлиги вақт бўйича ортиб боради, нефть қовушқоқлиги қиймати катта бўлмаганда эса маълум қийматларга етгунча босим олдин жадал. кейин эса секин тушиб боради.

Бир хил интенсивликдаги қазиб олишда қудуқдаги босимнинг тушиши газ фильтрациясига қараганда нефть фильтрациясида тезроқ бўлиши, нефтнинг таркибида газнинг мавжудлиги шarti қаралганда эса суюқликнинг оқувчанлиги ошиши аниқланди.

## ХУЛОСА

«Нефть, газ ва сувли қатламлардаги фильтрация жараёнларининг математик моделлари ва самарали сонли алгоритмлари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Говак муҳитдаги газ фильтрацияси масаласини ечиш учун математик модель, ҳисоблаш алгоритми ва дастурий таъминот ишлаб чиқилди. Улар нефть ва газ конлари ҳудудида жойлашган қудуқларнинг унумдорлигини ошириш учун фильтрация соҳасидаги газнинг босимини таҳлил қилиш орқали газ конларини лойиҳалаш, башоратлаш ҳамда уларнинг лойиҳавий ечимига аниқлик киритишга хизмат қилади.

2. Поршенли сиқиб чиқаришда фильтрация жараёнининг математик модели, сонли алгоритми ва дастурий таъминоти яратилди. Улар

углеводород конларини лойиҳалаш ва ишлаш жараёнлари учун тизим ишлашининг турли хил шартларида нефть ва газнинг биргаликдаги ҳаракати ҳисобга олинганида объектнинг динамик ҳолатини таҳлил қилиш ва дебит миқдорини тўғри танлаш имконини беради.

3. Суюқлик ва газнинг биргаликдаги фильтрацияси жараёнининг математик модели, сонли алгоритми ва дастурий таъминоти яратилди. Ушбу математик ва дастурий таъминот фильтрация соҳасида вақт бўйича босим ва тўйинганлик майдонларини аниқлашга хизмат қилади.

4. Газ фильтрацияси масаласини физик хусусиятларига мос қисмларга ажратиш усули билан ечишнинг самарали сонли алгоритми ва дастурий таъминоти яратилди. Яратилган ҳисоблаш алгоритми ва дастурий таъминот бошқа ҳисоблаш усулларига қараганда жараёни ҳисоблашдаги такрорланишлар сонини камайтириш ҳисобига вақтни 25%гача қисқартириш имконини беради.

5. Ихтиёрий фильтрация соҳасида газ фильтрацияси масаласини ечиш учун параллел ҳисоблаш алгоритми ва дастурий таъминоти яратилди. Яратилган параллел ҳисоблаш алгоритми ва дастурий таъминот кластерда ишга туширилса шахсий компьютерда ишлатилган оддий ҳисоблаш алгоритмларига қараганда 20 марта тез (масала 100x100 ўлчамли матрица кўринишида берилганда) ҳисоблаш имконини беради.

6. Ишлаб чиқилган математик ва дастурий таъминотлар ёрдамида ўтказилган ҳисоблаш тажрибалари Крук ва Шимолий Ўртабулоқ конларида, Ўзбекистон Республикаси нефть ва газ саноати Ўзбекистон илмий-муҳандислар жамияти объектларида, «Дарғом» ирригация тизими бошқармаси объектларида ва Навоий вилоятидаги 18-сонли дала қидирув экспедицияси объектларида маҳсулдор қатламга турли хил шартларнинг таъсирида углеводородли конларни қайта ишлаш ва лойиҳалашда ҳамда ғовак муҳитнинг гидрогеологик ва геофизик хусусиятларига боғлиқ ҳолда аниқ амалий тавсияларни қабул қилиш имконини беради.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-  
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**КУРБОНОВ НОЗИМ МУХАММАДРАШИТОВИЧ**

**МАТЕМАТИЧЕСКИЕ МОДЕЛИ И ЭФФЕКТИВНЫЕ ЧИСЛЕННЫЕ  
АЛГОРИТМЫ ФИЛЬТРАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ В  
НЕФТЕГАЗОВЫХ И ВОДОНОСНЫХ ПЛАСТАХ**

05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.1.PhD/Т59

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

Научный руководитель:

Равшанов Нормухмад  
доктор технических наук

Официальные оппоненты:

Усманов Ришат Ниязбекович  
доктор технических наук, профессор

Хабибуллаев Иброхим Хабибуллаевич  
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «29» ~~декабря~~ <sup>сентября</sup> 2017 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета 14.07.2016.Т.29.01 при Ташкентском университете информационных технологий и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100202, Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер ~~2529~~). Адрес: 100202, Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)

Автореферат диссертации разослан «16» ~~декабря~~ <sup>сентября</sup> 2017 года.

(реестр протокола рассылки №11 от «14» ~~декабря~~ <sup>сентября</sup> 2017 года.)



*[Signature]*  
Р.Х.Хамдамов  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

Ф.М.Нуралиев  
Заместитель секретаря научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н.

*[Signature]*  
З.Х.Юлдашев  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.ф.-м.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире автоматизация производства нефти и газа на основе научно-инновационных и современных информационных технологий занимает лидирующее положение. «По данным US Energy Information Administration и Минэкономразвития России относительно мирового баланса производства и потребления нефти и газа за последние годы в результате неизменного роста этих величин, в частности, до 2030 года наблюдается увеличение общего объёма добычи нефти и газа приблизительно на 17%, а потребления – на 18%»<sup>1,2</sup>. В этом отношении, важное значение имеют разработка и усовершенствование математических и компьютерных моделей сложных динамических процессов фильтрации, происходящих в пластовых системах при добыче нефти и газа.

В мире с целью поиска новых нефтегазовых месторождений, проектирования и их эффективного использования, а также прогнозирования на основе современных компьютерных технологий проводятся целевые научные исследования по разработке математических моделей, вычислительных алгоритмов и программного обеспечения, описывающих эти процессы. В этой связи, важнейшими вопросами выступают разработка компьютерных моделей, направленных на определение изменений полей давления и насыщенности в пластовых системах, на оптимальное размещение скважин и правильный выбор объёма дебита с целью увеличения эффективности функционирования месторождений, а также разработка параллельных и распределенных алгоритмов для решения задач фильтрации нефти и газа большой размерности.

С приобретением независимости в нашей республике уделяется большое внимание внедрению в эту область научно-инновационных и современных информационно-коммуникационных технологий для ускоренного развития топливно-энергетического комплекса и покрытия растущих объёмов потребления энергоресурсов. В этой связи достигнуты осязаемые результаты в увеличении объёма добычи продукта за счет разработки новых нефте- и газовых месторождений и полного использования возможностей существующих промыслов. Вместе с тем, в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в частности «... внедрение информационно-коммуникационных технологий в экономику, системы управления, ... улучшение обеспечения населения топливно-энергетическими ресурсами»<sup>3</sup>. Для выполнения этих задач одним из важных вопросов является применение современных информационно-коммуникационных технологий и компьютерных моделей, помогающих

<sup>1</sup> [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_144190/32450cf2fc93511aa87c594aee8aad062df16509/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_144190/32450cf2fc93511aa87c594aee8aad062df16509/)

<sup>2</sup> [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_144190/e143bf00445ec45f2880476d151ceb9d9aa89ec5/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_144190/e143bf00445ec45f2880476d151ceb9d9aa89ec5/)

<sup>3</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему Развитию Республики Узбекистан». ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года.

исследованию процесса эффективного использования месторождений в отрасли.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-1989 от 27 июня 2013 г. «О мерах по дальнейшему развитию Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан», Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 24 от 1 февраля 2012 г. «О мерах по созданию условий для дальнейшего развития компьютеризации и информационно-коммуникационных технологий на местах» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** За последние годы разработка и усовершенствование математических моделей сложных динамических процессов фильтрации в нефтегазовых и водоносных пластах и численных вычислительных методов рассмотрены в работах таких ученых, как С. Atkinson, S. Banerjee, G. I. Barenblatt, T. W. Patzek, D. B. Silin, F. Boyer, C. Lapuerta, S. Minjeaud, А. Дарси, Л. С. Лейбензон, А. Х. Мирзаджанзаде, М. М. Хасанов, Б. Б. Лапук, И. А. Чарный, Х. Азиз, Э. Сеттари, С. Н. Закиров, К. С. Басниев, Д. Ж. Ахмед-Заки, А. В. Ахметзянов, А. В. Цепяев, Б. В. Шалимов и др.

В Узбекистане существенную лепту в разработку математических моделей и вычислительных методов для исследования, прогнозирования и управления процессами жидкости и газа в пористых средах внесли такие отечественные ученые, как В. К. Кабулов, Ф. Б. Абуталиев, Ж. Ф. Файзуллаев, Н. М. Мухидинов, Р. Садуллаев, И. Алимов, Б. Х. Хужаёров, У. С. Назаров, Н. Равшанов, Ш. Каюмов, В. Ф. Бурнашев и др.

К настоящему времени разработано множество математических моделей, вычислительных алгоритмов и программных комплексов для различных задач процессов фильтрации в нефтегазовых и водоносных пластах. Тем не менее, проблемы разработки компьютерных моделей, позволяющих исследовать и прогнозировать сложные процессы фильтрации в пластовых системах, изучены недостаточно полно.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладных проектов согласно плану научно-исследовательских работ в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий:

ФА-Ф1-Ф010+Ф016 «Фундаментальные проблемы моделирования и управления сложными системами и процессами» (2007-2011), А5-ФА-Ф021 «Разработка объектно-ориентированных программных средств для автоматизации решения класса задач массопереноса в газодинамических и фильтрационных процессах» (2012-2015), Ф4-ФА-Ф005 «Усовершенствование моделей, разработка и исследование алгоритмических методов решения классов многомерных нелинейных задач математической физики для областей сложной конфигурации» (2012-2016), А-5-009 «Разработка математических моделей, алгоритмов и программных средств для решения задач фильтрации и движения растворов в процессах подземного выщелачивания» (2015-2017).

Целью исследования является разработка математических моделей, численных алгоритмов и программных средств фильтрационных процессов в нефтегазовых и водоносных пластах.

**Задачи исследования:**

разработка математической модели и вычислительного алгоритма на основе метода конечных разностей для решения задачи фильтрации газа в пористых средах;

разработка математической модели и численного алгоритма на основе метода выпрямления фазовых фронтов для фильтрационного процесса при поршневом вытеснении;

разработка математической модели и численного алгоритма на основе методов конечных разностей и переменных направлений для процесса совместной фильтрации жидкостей и газа в пористой среде;

разработка эффективного численного алгоритма решения задачи фильтрации газа в пористых средах методом физического расщепления;

разработка параллельного вычислительного алгоритма для решения задачи фильтрации газа в пористых средах при произвольной области фильтрации;

создание программных средств для задач фильтрации газа, фильтрационного процесса при поршневом вытеснении и процесса совместной фильтрации жидкостей и газа в пористой среде.

**Объектом исследования** являются процессы фильтрации в нефтегазовых и водоносных пластах.

**Предмет исследования** составляют математические модели, вычислительные алгоритмы и программные средства процесса фильтрации одно- и многокомпонентных сред.

**Методы исследования.** В диссертационной работе использованы методы системного анализа, сравнения результатов, переменных направлений, физического расщепления и численной итерации, а также методы параллельных и распределенных вычислений.

**Научная новизна диссертационного исследования** заключается в следующем:

усовершенствована математическая модель процесса фильтрации газа в пористых средах путем учета различных граничных условий и разработан

вычислительный алгоритм решения соответствующей задачи на основе метода конечных разностей;

усовершенствована математическая модель фильтрационного процесса при поршневом вытеснении путем учета фактора добычи нефти из области жидкой фазы и разработан вычислительный алгоритм решения задачи на основе метода выпрямления фазовых фронтов;

